## МУХТАРАМ ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Хар бир мамлакатда ислохот ва маданият асбобига тавассул ва ташаббус этмоклик харакати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зухур эта бошлагани каби, бизнинг Туркистонда хам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибох ва ислохот жарчиси бўлган миллий матбуот гайратлу ёшларнинг харакоти маорифпарвароналари соясида вужудга келди. Шунинг учун хар бир миллий хавойижимиздан бўлган мушкул ишларда ёлгиз ёшларимизни маржаъ ва умидгох тутиб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ёки сўзлари ила миллат фоидасига ёрдамлари текган баъзи уламоу агниёмиз хам ёшлар каторидадурлар).

Мухтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб— тараккийнинг бошлангичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Хар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислох этиб кўпайтурмагунча тараккий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти хозирадан махрум колуб, саноеъ ва маориф салохи ила куролланмаган миллат эса, дунёда рохат ва саодат юзини кўролмас. «Муборизаи хаёт» майдонида мутлако маглуб бўлур, оёклар остида эзилур, диний, иктисодий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини хам хўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири махв ва нобуд бўлуб кетар.

Биноан алайх, ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясига ва мактабларнинг хар жихатдан интизом ва акмолига ахамият беруб болаларини миллий ва диний рухда мукаммал суратда етушдурарлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий хиссиётга молик бўлуб, хар ишда диёнат ва миллиятни мукаддам тутарлар. Ва лузуми келганда бу йўлда молу жонларини фидо этмокга хозир турарлар. Мана, хозирги урушлар ва иктисодий тортишлар диёнат ва миллият хиссиёти натижасидур.

Эиди, бизни Туркистонда мундай хиссиётлар кайда? Модомики, биз туркистонийлар нлму маорифдан хаккинча истифода этмаймиз. Фазойили инсониядан саналган шайлар кандай хосил бўлур? Чин инсоният нимадан иборат эканлигини кайдан билурмиз?

Бизларда бир фазилат бор бўлса, ул хам факат таассуботи жохилонадан иборатдур. Демак, бизлар хозирги нимокла диёнатимизни ёлгуз таассуб соясида саклаб турубмиз. Лекин ушбу тамаддун асрида илмсиз курук таассуб ила хам яшаб бўлмас. Чунки

замонамиз шундай зўрки, озгина фурсатда чурук таассуботимизни асосидан кўпаруб ташлайдур. Шунинг учун замонанинг мухлик асбобига каршу муковамат этадургон бир нарса бор бўлса, ул-да маорифдур.

Тахсили маорифни ибтидоий кисми мунтазам мактаблар бўлган учун энди биз Туркистон мусулмонларига ибтидоий мактабларни кўпайтурмок лозимдур. Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Хозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлуб, муаллимларга эхтиёжимиз шадиддур. Чунки бу кунларда янги мактаб хаваскорони кундан-кун зиёдалашмокдадурки, муаллимлар мавжуд бўлган такдирда хар йил Туркистоида юзларча мактаб очмок мумкиндур.

Энди ушбу мушкул холларни назари эътиборга олуб, Туркистон ёшлари муаллим етушдурмокнинг чорасини топмоклари лозимдур. Агар букунги ёшларимиз ушбу мухим вазифа ва хизматни ифо этмакга касд эта бошласалар, муаллим етушдурмокни чораси хам топилса керак. Чунончи, Туркистонда муаллим чикормак учун дорилмуаллимин бўлмаса хам, хар шахарда усули таълимдан хабардор бир-икки нафар муаллим, албатта, бордур. Ана, муаллимликка толиб кишиларни аларнинг хузурига юборуб, 3-4 ой зарфида усули таълимдан хабардор килдурмок мумкиндур. Агар бояфарз, ушбу хидматни муаллимларимиз илтизом килмасалар, ул холда муаллимликка хаваскор ёшларни бироз захматлик бўлса хам, тўгридан-тўгри Тошкандда Мунаввар-кори жанобларининг мактабига юбормок керакдурки, мушорун алайхнинг мундай толибларни маалмамнуният кабул этмокларига аминдурмиз. Ишта, мухтарам кариндошлар, миллатимизнинг тилаги ва энг зўр эхтиёжи ушбу шайлар эдики, назари олийларингиза арзу такдим этдук. Энди гайрат сизлардан, тавфик Олдодандур.

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 41-сон, 970—972-бетлар.*